

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



“ФАЛСАФАНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ”

**МАВЗУСИДАГИ
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ
АНЖУМАНИНИНГ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

20-21 май 2022 йил

Гулистон-2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ФАЛСАФАНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ”

МАВЗУСИДАГИ

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МАТЕРИАЛЛАРИ

(20-21 май 2022 йил)

Гулистон-2022

Шулардан 8 рисолаи табобатга доир бўлиб, бизгача етиб келган. Олимнинг “Табобатга доир юз масала” номли асари қомусий асар сифатида танилган бўлиб, унда табобатнинг назарий масалалари, одам организмида юз берадиган касалликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда даволаш усуллари ҳақида сўз юритилди. Шу боисдан олимнинг юқоридаги асари тиббиётда ар-Розий ва Ибн Сино асарлари билан бир қаторда турадиган қимматли асар сифатида баҳоланишини эътироф этиш лозим.

Хуллас, башарият тарихида муҳим ўрин тутган Хоразм Маъмун академиясининг ва унинг издошлари сифатида юртимизда фаннинг турли соҳаларида илм аҳли ижод намуналарини давом эттирмоқдалар. Хусусан, Президентимиз Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим. Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдида катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади” [3] деган фалсафий фикрларни англаган ҳолда, ўрта асрларда бу илм масканида ижод қилиб, жаҳон илми тарихида чуқур из қолдирган қомусий олимларимизнинг беназир меросини ўрганишни ва таҳлил қилишни мақсад қилиб қўйганмиз.

АДАБИЁТЛАР.

1. М. Хайруллаев, Б. Абдухалимов. Буюк истеъдод соҳиблари. Т. Адолат. 2002.
2. История Хорезма. С древнейших времен до наших дней. Ташкент: Фан, 1976.
3. <https://president.uz/oz/lists/view/4049>

ЁШЛАРДА ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ СИФАТИДА

Н.Тогаев, доц., Л.Азизова – СамДУ

Бугунги глобаллашув асрида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий соҳадаги демократик ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг юксак маънавиятга эришувини таъминлаш, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш, ижтимоий тараққиёт жараёнида ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган ҳамда етук шахсни вояга етказишдир. Шундай мақсадни кўзлаган кўпмиллатли Ўзбекистонда бир мақсад сари интилиш, ёшларнинг келажагини ўйлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг ўрни ва уларда янгича дунёқарашни шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу ҳақда Президент Ш.М.Мирзиёев “Бизнинг ҳавас қилса

арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва ишонаман худо хоҳласа ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам бўлади” – деб таъкидлайди [1: 415].

XXI аср бошқа давлатлар сингари Ўзбекистоннинг ҳам олдига ечимини топиши зарур бўлган бир қатор муаммоларни қўйди. Бу муаммоларнинг ечими бевосита ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғланган бўлиб, ёшлар эртанги куннинг яратувчилари сифатида ўзларининг миллий давлатчилиги тарихини чуқур англаб етиши, ўз қалбларида миллатпарварлик туйғуларини барқ урдириб яшашлари лозим. Шу боис ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда авваломбор ватанпарварлик, миллатпарварлик муҳим эканлигини ҳеч ким унутмаслиги лозим. Бу ҳақда Ш.Мирзиёев: “Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир. Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади” - деб таъкидлаб ўтади.

Ёшларнинг маънавий юксалиш жараёнида унинг барча ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий, маданий ва мафкуравий тасаввурлари ижтимоий тузум ва тизимларнинг таъсири туфайли шаклланиб ва ривожланиб боради. Натижада ёшлардаги соғлом, нафис жисмоний қиёфа, юксак маънавий ҳис-туйғулар, миллий тафаккур ва тушунчалар бирлиги асосида миллатпарварлик таркиб топади. Ва, ниҳоят, ёшларнинг миллий тафаккури ва миллатпарварлиги уйғунлашиб маънавий баркамолликни вужудга келтиради.

Ёшларнинг миллатпарварлигини ахлоқий қадриятлар қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда миллий руҳда тарбиялаш биринчи навбатда баркамол авлодда меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳр-оқибат сингари фазилатларни шакллантириш демакдир. Миллий қадриятлар эса, ўз навбатида, жамият тараққиётининг инсонийлашуви, халқнинг фаровонлиги ҳақидаги тасаввурларининг рўёбга чиқиши ва оммавийлашувида жуда катта ижтимоий аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида ижтимоий тараққиётнинг барча бўғинлари янги демократик андозага асосланиб, эволюцион йўлдан бориш давримизда жуда кўп сиёсий, иқтисодий ва маънавий муаммолар пайдо бўлди. Натижада, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни маънавий ислохотлар билан бирга қўшиб олиб боришга тўғри келди. Жамиятдаги ислохотлар биринчи навбатда ёшлар руҳияти, миллий қиёфасига таъсир этиши табиий эди. Одамзод ўз табиатига кўра шижоатли, ғайратли, куч-қувватга тўлган ҳаётга, фаолиятга чанқоқ бўлади. Ана шу фазилатларни тўғри йўлга солиш, тарбиялаш вазифаси жамият зиммасига тушади. Ижтимоий тараққиётда баркамол авлод тарбияси фақат жисмоний жиҳатдан чиниққан, камол топган ёшларнигина эмас, шунингдек, шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий маънавий қадриятлар асосида тарбия топган шахсни ҳам кўзда тутади.

Юртимизда ривожлантирилаётган эркин демократик давлат қоида ва талабларини халқимизнинг миллий-маънавий қадриятлари билан уйғун бирлаштириш ижтимоий тараққиётнинг белгиловчи тамойилига айланди. Бу ҳақда И.Каримов “Бугунги кунда катта умид, орзу мақсадлар билан, Ватаним тараққиётига ҳисса қўшаман, деб белини маҳкам боғлаб майдонга чиқаётган, азму

шижоатли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки бурчимизга айланиш керак” – дея таъкидлайди [2: 235].

Бугунги кунда демократик ва фуқаролик жамиятида яшаб фаолият кўрсатаётган ёшларнинг турмуш тарзи, ҳаёт кечириши, хушмуомала бўлиши, меҳнатга, касб-хунарга нисбатан фидойилик кўрсатиши замон талаб этадиган миллий маданиятнинг ахлоқий тарбия меъёрларига мос келишидан далолатдир. Ахлоқий ва миллий тарбия натижаси бўлган ёшларда янгича дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришда жамият ва жамоатчилик, таълим-тарбия тизими, адабиёт ва санъат аҳли олдида улкан вазифалар мавжуд.

Ваҳоланки, баркамол авлод тарбиясида ёшлар фазилатларининг миллий тараққиёти, унда биринчи ўринда маънавий-маърифий ва руҳий жиҳатлар, муҳит, фаолият ва муносабатларнинг инсонийлашувида катта аҳамият касб этади.

Ёшларда янгича дунёқарашни шакллантириш, миллий руҳда тарбиялаш ва уларни олижаноб ҳис-туйғулар билан камол топтириб бориш маънавий баркамолликка етишишдаги биринчи қадамдир. Бундай ёш авлоддаги юксак маънавий фазилатлар қандайдир ғайритабиий кучлар ёки тақдирнинг инъоми эмас, у ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳалари, маънавий ворислик ва муайян давр, жамият таълим-тарбия тизимининг, оила ва муҳитнинг маҳсулидир. Ёшларнинг маънавий юксалиш жараёнида унинг барча ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий, маданий ва мафкуравий тасаввурлари ижтимоий тузум ва тизимларнинг таъсири туфайли шаклланиб ва ривожланиб боради. Маънавий-маърифий жиҳатдан камол топган ёшлар демократик ислохотларни истеъмолчисигина бўлиб қолмай, уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади.

Шу боисдан, “ҳозирги кунда янгича тафаккурлаш, ижодий фикрлаш, юксак маънавиятли кишиларни тайёрлаш жамиятимиз олдида турган энг долзарб муаммолар туркумига киради. Шундай экан, мана шу олижаноб мақсадимизнинг моҳияти, унга эришишимиз йўллари нимадан иборат эканлигини ҳар бир фуқаронинг онгига, унинг қалбига сингдириб, тафаккурлаш маданиятини, бунёдкорлик фаолиятини такомиллаштиришимиз зарур” [3: 10].

Хулоса қилиб айтганда, ёшларнинг янги жамият қуриш ва янгича яшаш тарзига асосланган миллий тафаккури ва дунёқарашини шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Юртимизда олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ва маънавий ислохотларга монанд равишда тарихимиз, миллий ўзлигимиз, анъана ва меросимиз руҳини, замонавий ислохотларнинг моҳиятини ёшлар онгига сингдирадиган ва ундаги ватанпарварлик, миллатпарварлик, меҳнатсеварлик ва шарқона ахлоқ-одоб, миллий маданият руҳида тарбиялай оладиган маданий тараққиётни ривожлантириш доимий ва узлуксиз жараён бўлиб қолаверади.

АДАБИЁТЛАР.

1. Мирзиёев Ш.М.. Озод ва обод ватаннинг баркамол фарзандлари // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. –Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2015.
3. Рустамова М. Ёшларда янгича тафаккур маданиятини шакллантиришнинг фалсафий жиҳатлари. –Т.: Меҳнат, 2000.

3-шўъба

Миллий ўзбек фалсафасини шаклланиш жараёни

ЎЗБЕКИСТОНДА ФАЛСАФИЙ МЕРОСНИ ЎРГАНИШ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ ИЛМИЙ ЙЎНАЛИШЛАР. Г.Рузматова	115
ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА ЁШЛАРНИ ЗАРАРЛИ АХБОРОТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ. Ф.Боқиев	119
МИЛЛИЙ ЎЗБЕК ФАЛСАФАСИНИ ШАКЛЛАНИШИДА О.ФАЙЗУЛЛАЕВНИНГ ЎРНИ. А.Азизкулов	122
ЁШЛАР ОНГИДА СОҒЛОМ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФАЛСАФАНИНГ ЎРНИ: МУАММО, ЕЧИМ ВА ТАКЛИФЛАР. З.Исақова	124
СЎЗ ЭРКИНЛИГИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЯНЧИ. И.Саифназаров	128
ИНСОН ҚАДРИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТАРАҚҚИЁТИ МАҲСУЛИ. Б.Алиев	132
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАЛАРИ. О.Назаров	135
ЁШЛАРДА ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ СИФАТИДА. Н.Тоғаев, Л.Азизова	138
И.МЎМИНОВ – МИЛЛИЙ ЎЗБЕК ФАЛСАФАСИНИНГ АСОСЧИСИ.	141
ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИ: ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАР. И.Қувондиқов	142
GLOBALLASHUV SHAROITIDA O'ZBEKISTONDA MAFKURAVIY XAVFSIZLIKNI TA'MINLASH MASALALARI. S.Karimova	147
ЎҚИТУВЧИ ШАХСИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. М.Норматова	150
ИСЛОМ ДИНИ ИЛМ ҲАҚИДА. Х.Усманова	153
YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATINI AMALGA OSHIRISHNING IJTIMOY-IQTISODIY ANAMIYATI. K.Yaxshibayev	156
ЛИБЕРАЛИЗМ ТАЪЛИМОТИНИНГ ИНСОНПАРВАР МОҲИЯТИ. М.Шодмонкулова	158
МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ШАРОИТИДА ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ. Х.Абдуниязов	161
ЁШЛАРНИ МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МЕЗОНЛАРИ. С.Каримова	155
ИЖТИМОЙ ВОҚЕЛИКДА АХЛОҚИЙ ДУНЁҚАРАШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ. И.Нурматова	167
ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ИШ БОШҚАРУВИ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ. Ф.Мадалиева	170
O'ZBEKISTONDA ODAM SAVDOSIGA QARSHI KURASHDA XALQARO NAMKORLIKNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI. J.Jabborov, Sh.Xushvaqtova	172
FUQAROLIK JAMIYATI G'OYALARINING DIALEKTIK EVOLYUTSIYASI.	